БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 204 (3705)
7 ПАЙШАНБА
СЕНТЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Беш йилликнинг уч йили плани— СССР Конституцияси кунигача*

## МАҲОРАТНИ ОШИРИШ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқарадиган фабрика коллективи беш йилликнинг учинчи йилида бараканн меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда кувончли кўрсаткичлар. ни қўлга киритмоқда. Корхона ишчиларининг йил бошидан берн ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига юборган кенг истеъмол буюмларн 5 миллион сўмлиндан ошиб кетди. Бу — план топшириғида кўзда тутилганидан қарийб 300 минг сўмлик кўп демакдир.

Корхона цехларида социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Бу ерда беш йилликнинг уч йили план топшириқларини СССР Конституцияснинг бир йиллигига ча бажариш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари шу сана шарафига зиммага олган юксак мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортларига имзо чекмоқдалар.

Корхонада машъал ишчилар ҳақида сўз боргудек бўлса М. Ирисбоева, Х. Нурмуҳамедова, Г. Кузнецова, Б. Кругляк сингари илғорларнинг номи фахр билан тилга олинади. Меҳнатда пешқадам бу ишчилар ўз маҳоратларини тинмай ошириб бораётганликлари туфайли ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Корхонанинг ўнлаб меҳнат пешқадамлари вақтдан ўзган ҳолда ишлаб, шу кунларда 1979—1980 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

### ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Греция ташқи ишлар министри Г. Раллисни 5 сентябрь куни Кремлда қабул қилди. Г. Раллис бош министр К. Караманлиснинг мактубини А. Н. Косигинга топширди.

Амалий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет — Греция муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон СССР билан Греция ўртасидаги мавжуд яхши қўшничилик муносабатларининг ҳолатидан мамнуният изҳор этди.

А. Н. Косигин Совет ҳукумати номидан Греция бош министри К. Караманлисни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди.

● «Пахта» комплекс программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг иқтисодий проблемаларига бағишланган илмий-амалий конференция 6 сентябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади.

● 1978 йил 6 сентябрда Совет Иттифоқи. да Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос— 1030» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

# «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

Серқуёш Ўзбекистоннинг жанубида «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш ишлари бошлаб юборилди.

Дала меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларидан илҳомланиб, беш йилликнинг учинчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар, Республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бундёд этишга аҳд қилдилар. Шу билан бирга улар пахтанинг 65—70 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олишга бел боғладилар.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи анъаналарига содиқ бўлмиш Тошкент шаҳри индустрияси ходимлари бугунги ҳал қилувчи кунларда пахтакорларнинг кўзлаган маррага эришишлари учун қишлоққа қандай бўлмасин янада самарали ёрдам кўрсатишга ва пахтакорларни юксак унумли техника билан таъминлашга интилмоқдалар. Жиззах ва Сирдарё областларида жойлашган оталиқдаги колхоз ва совхозларга турли хил материаллар етказиб бермоқдалар ва мавжуд техникани ремонт қилиш ишларида яқиндан кўмаклашмоқдалар.

• КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари— амалда! • Колхоз ва совхозларга кўплаб, юксак унумли машиналар етказиб берайлик • Оталиқ мададини кучайтирайлик

● ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

## Пландан ташқари сабзавот

**БУГУН**

**Тошкент райони миришкорларининг пойтахтдаги магазинларга мавсум бошидан буён етказиб берган сабзавот маҳсулотларн 25 минг тоннадан ошиб кетди. Бу эса белгиланганидан 6 минг тонна кўп демакдир.**

Бундан ташқари, Тошкент аҳолиси шаҳар атрофидаги колхоз ва совхозлардан 4 минг тонна карам, 4 минг 300 тонна бодринг, 12 минг тонна картошка, 1200 тонна сабзи, 360 тонна саримсоқ пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қабул қилиб олди.

Бу ишга Абдураҳмонов номли, «Ленин йўли» колхозлари, «Партия XXI съезди» номли совхоз миришкорлари салмоқли ҳисса қўшишди.



Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси дўппи тикиш цехининг коллективи тикувчи Е. Назарова номини ҳурмат билан тилга олади. Чевар тикувчи бундай ҳурматга меҳнатсеварлиги, самимийлиги ва коллектив манфаати учун ҳамиша жон куйдириши туфайли сазовор бўлган. Е. Назарова шу кунларда Ленин комсомолининг шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

• Тежамкорлик—яхши хислат

## Қимматли таклифлар

Шаҳримиздаги технология жиҳозлари тажриба ремонт-механика заводи ишчилари иқтисод ва тежамкорлик режимига ҳам қатъий риоя қилмоқдалар. Улар кўплаб қимматли таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, унумдорликни янада оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Корхонанинг экспериментал цехи рационализаторларидан В. Самойлов ва А. Ҳидоятовлар монтаж участкасининг схемасини ўзгартириш бўйича таклиф чиқдилар. Бу корхона меҳнаткашларининг йил бошидан бери ишлаб чиқаришга тавсия этилган 25-таклифи бўлди. Шундай қилиб, корхона коллективи йиллик социалистик мажбуриятларда кўзда тутилган бандлардан бирини муваффақият билан бажарди.

Бу таклифлар орасида қўл меҳнатини камайтиришга, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялашга қаратилган таклифлар кўпчиликни ташкил этади.

Завод рационализаторлари ижодий изланишда давом этмоқдалар. Улар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча яна бешта таклифни ишлаб чиқаришга жорий этишга ваъда бердилар.

# РЕСПУБЛИКА ИРРИГАТОРЛАРИ УЧУН

Экскаватор ремонти тажриба-механика заводи Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бош корхоналаридан биридир. Завод коллективи ирригация ва сув хўжалиги ташкилотларини металл конструкциялари, ностандарт мосламалар, қишлоқ хўжалик техникаси учун кўплаб эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб келяпти.

Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида коллективимиз плани-дан ташқари 400 тонна-дан зиёд ностандарт мосламалар, 335 тонна металл конструкциялари, 20 тонна рангли қуйма ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларни ремонт қилиш ишлари ҳажмлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 процентга ўсди.

Корхонамиз мутахассислари биринчи марта дренаж қувурларини тозалайдиган машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, ундан Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг чўлқуварларига етказиб бердилар. Бундан ташқари қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларга насос станциялари учун катта ҳажмдаги мураккаб металл конструкциялари ва ностандарт мосламалар ҳам жўнатилди. Ҳозирги кунда дренаж қувурларни ётқизиш учун мўлжалланган агрегатларнинг тажриба-намунасини ишлаш ва шунингдек, Сурхондарё областидаги «Кокайти» насос станцияларини келгуси, 1979 йил вегетацион мавсумда ишга тушириш учун катта диаметрдаги қувурлар ва ностандарт мосламалар тайёрлаш устида иш олиб бориляпти.

Коллективимиз бу йил оталиқдаги —Сирдарё область Оқ олтин райони хўжаликларига катта ёрдам кўрсатди. Чўлқуварларнинг буюртмаларига кўра тахта, металл, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар жўнатилди. Оталиқдаги хўжалик механизаторларига, айниқса кўчма устахона мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатишди. Улар даладаги техникани ремонт қилишда заводимиз жонбозлик кўрсатишди.

Яқинда хўжаликларда заводимиз раҳбарлари бўлишиб, «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш мавсумида қандай ишларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олдилар. Шу йилнинг сентябрь-ноябрь ойлари учун қишлоққа самарали ёрдам кўрсатишнинг янги плани ишлаб чиқилди.

**С. ЛЕБЕДИНСКИЙ,**
**экскаватор ремонти тажриба-механика заводининг токари.**

## Миришкорлар ҳиммати

Тошкент области миришкорлари серқуёш Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатчилари дастурхонига мева-чева ва сабзавот маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Улар шу кунгача пойтахтдаги савдо тармоқларига 55 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари жўнатдилар. Бу эса ўтган йилдагидан бир мунча кўп, демакдир. Тошкент областининг Тошкент, Калинин, Коммунистик районлари хўжаликлари пиёз, саримсоқ пиёз, бодринг, сабзи етказиб беришда жонбозлик кўрсатдилар.

Бу йил область хўжаликлари «Ташлодоовошч» бирлашмасига 125 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришади.

**В. ГРЕБЕНЮК.**

## Тилимиз тилни ёради

Тошкент областининг Пскент райони меҳнаткашлари Ўзбекистон пойтахтининг аҳолисига полиз экинлари етказиб бериш бўйича олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаряптилар. Полизчилар шу кунгача Тошкентдаги магазинларнинг пештахталарига 800 тонна ширин-шакар, тилими тилни ёрадиган қовун ва тарвуз етказиб бердилар. Пойтахт аҳолисига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ишига Тельман, Калинин, Охунбобоев номли совхозлар ва «2-Пскент» совхози салмоқли ҳисса қўшди.

# МАШИНАЛАР— ДАЛАГА

Тошкентлик машинасозларнинг қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари кундан кунга кучайиб бормоқда.

◆ «Ташсельмаш» заводи йил бошидан буён 5.940 та «зангори кема» ишлаб чиқарди. Улар пахта териш машиналари паркини тўлдириб. 1978 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишда иштирок этадилар. Шулардан «ХВН — 1,2А» комбайни ингичка толали пахтани териб олишга мўлжалланган. Шунингдек кенг қатор оралаги пахтани теришга мослаштирилган 17ХВ — 1,8Б машинаси эса юксак унумли бўлиб, унинг бортига Давлат Сифат белгиси туширилган.

◆ Пахта йиғим-теримида «Узбекхлопкомаш» машинасозлари тайёрлашган подбор терувчи агрегатлар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакат пахтачилик республикалари машиналар паркларн ана шундай 990 та агрегат билан тўлдирилди.

◆ Далада асосий куч бўлган қувватли Т — 28Х4 ва МТЗ — 80Х тракторларидан бу йил 15.625 та ишлаб чиқарилди. Бу йил биринчи марта «оқ олтин»ни пахта хирмонларига пневматик тормоз системасига эга бўлган трактор поездлари ташийди.

◆ «Оқ олтин» йиғим-терим мавсумининг сўнгида кўсак чувиш агрегатлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бу йил ана шундай такомиллаштирилган машиналардан 1.886 таси ишлаб чиқарилди.

ОВХ — 14 чанглагич-пуркагич агрегатининг бортини ҳам Давлат Сифат белгиси безаб турибди. Кейинги вақтда қишлоқда ана шундай машиналардан фойдаланиш бир мунча кенгайди.


Беш йилликнинг учинчи йили бошидан буён қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонти учун «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», агрегат. «Компрессор» ва «Узбекхлопкомаш» машинасозлари жами бўлиб 11.5 миллион сўмлик яқин эҳтиёт қисмлар етказиб беришди.

# СОВХОЗГА ЖЎНАТИЛДИ

Қуёш тўсқич мосламалари заводи коллективи қишлоқ механизаторларига катта ёрдам кўрсатмоқда.

Завод коллективи Жиззах областидаги Комсомол районининг «Ленинград» ва Баҳмал районининг «Партия XXIV съезди» номли совхозларига 15 кубометр арралаш материали, 80 квадрат метр қуёш тўсқич панели, 120 килограмм полиэтилен плёнкаси, 200 килограмм бўёқ жўнатди. Шунингдек, қишлоқ механизаторлари мазкур корхонадан тунука ва бошқа асбоб-ускуналар ҳам қабул қилиб олди.

Заводдан оталиқдаги хўжаликка борган ишчилар «Ленинград» совхози далаларида яхшитина меҳнат қилишди. Улар дала шийпонларини жиҳозлашда ва совхоз чорваси учун ем-озуқа жамғариб беришда ёрдам бердилар.



Қишлоқ механизаторларига кўплаб трактор моторлари, гидравлик пресслар тайёрлаб бераётган «Узсельхозтехника»нинг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи меҳнат аҳли буюртмаларни ўз вақтидасифатли адо этиш борасида фидоно-на меҳнат қилялти.

СУРАТДА: янги прессларни жўнатишга ҳозирлаш пайти.

# ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Йил бошида Тошкент газ аппаратлари заводи коллективи Сирдарё область Ильич районидаги Волков номли совхозга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича мазкур хўжалик билан шартнома имзолаган эди. Аҳдига вафодор тошкентлик газ аппаратчилар ўз сўзларининг устидан чиқишиб чўлқуварларга ҳам томонлама ёрдам кўрсатиб келяптилар.

Жумладан, ўтган ойлар мобайнида мазкур совхозга 200 сўмлик бўёқ материаллари, 100 та газ плитаси, 200 килограмм металл ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари юборилди.

Завод мутахассислари шу йилнинг ўзида совхоздаги 28 хонадонни газлаштириб беришга аҳд қилишган эдилар. Ҳозирда бу иш ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Бундан ташқари завод мутахассислари дала шийпонларини безашда, чўлқуварлар ҳузурида лекция ва суҳбатлар ўтказишда иштироқ этдилар.

Айни кунларда газ плитачилардан бир гуруппа ҳаштарчи етиштирилган «оқ олтин»ни териб олишда ёрдам бериш учун совхозга жўнаб кетишга ҳозирлик кўрмоқда.




# СПАРТАКИАДА БОШЛАНДИ

6 сентябрь куни эрталаб старт тўппончасидан ўқ узилиб, оптобда баданлари тобланган ёш сузувчилар сув ҳовузида суза бошладилар.

Сувда сузиш учун кураш билан бирга ана шу соатда спартакиада бошланди.

Ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси... Ёшлик, куч-ғайрат, гўзалликнинг бу ажойиб байрами Тошкент стартларидан анча олдинроқ бошланган эди: бутун мамлакатимизнинг миллион-миллион ўғил-қизлари ана шу кўрикнинг барча босқичларини — мактаб, шаҳар, қишлоқ, область, республика спартакиадаларини босиб ўтдилар. Шуниси қувончлики, ҳаммага ғолиб чиқди, ҳар бир ёш спортчи муваффақиятга эришди: уларга сиҳат-саломатлик ва бардамлик мукофот бўлди. Кўпгина ўқувчилар эса ўзларининг дастлабки спорт ўлжаларини — ГТО комплекси нишонларини, малака разрядларини, спорт бўйича жамоатчи инструктор ва судья деган унвонларни олишга муваффақ бўлдилар. Мактаб мусобақаларидан Бутуниттифоқ спартакиадаси мусобақаларигача бўлган йўлда асосий финал—Тошкентга етиб келгунча кўйилган рекордларнинг саноғига етиш қийин...

Қуёшли Ўзбекистон пойтахти қардош республикаларнинг, Москва ва Ленинграднинг минг-минглаб намояндаларини анъанавий меҳмондўстлик билан кутиб олди. Энг яхши стадионлар, сув ҳовузлари, заллар ва бошқа спорт иншоотларини эмблема: очиқ китоб узра бешта ҳалқа безаб турибди. Спартакиаданинг «Олимпиадачилар орамизда» деган шиори истаккина эмас, балки аниқ мақсаддек янграб турибди. Ахир, бундан аввалги — 1976 йилда ўтган спартакиада машҳур спортчиларнинг номини ҳаммага танитган эди. Булар сакровчи Владимир Яшченко, шахматчи қиз Майя Чибурданидзе, гимнастикачилар Елена Мухина ва Оловуддин Отахонов-лардир... Москва олимпиадасида Тошкент спартакиадасида ўзини кўрсатган спортчиларнинг номлари яна янграши шубҳасиздир.

Ҳозирги мусобақаларнинг яна бир алоҳида хусусияти бор: СССР халқлари ёзги спартакиадасининг натижалари чиқарилаётганда мактаб спартакиадасининг якунлари биринчи марта ҳисобга олинади. Бу қонуний-дир: спортда эришилган даража ҳам, резервларни тайёрлаш ҳам шу тариқа баҳоланади. Ахир, ҳозирги кўпгина ўқувчилар эртага ўз республикалари ва шаҳарларининг асосий спорт дружиналарига кирадилар. Шунга биноан программага тузатишлар киритилди: ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси спортнинг йигирма бир тури бўйича ўтказилади. Мингдан ортиқроқ арбитр ана шу мусобақаларга хизмат қилади.

Спартакиаданинг яна бир муҳим белгиси шуки, Тошкентда ҳар бир команда ўз ишқибозларининг мададини сезиб туради: Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари бу ерда уларни оталиққа олган яхши дўстларига эга бўлдилар.

Шундай қилиб, сузувчилар мусобақалашаётган Тошкент армия спорт клуби ҳовузида, сувга сакровчилар таклиф этилган В. С. Митрофанов номли сув спорти саройида, қишлоқларнинг шамширлари жаранглаган «Ёшлик» спорт майдонида, боксчилар «Жанг қилаётган» «Меҳнат резервлари» спорт залида 6 сентябрь куни стартлар бошланди.

Мусобақанинг дастлабки ғолиблари шу куни кечқурун аниқланди.

**Т. ГОЛУБКИНА,**
**Е. ЕФИМОВ.**
**ЎзТАГ мухбирлари.**

## ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

6 сентябрь куни Тошкентда Афғонистон билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамияти Ўзбекистон бўлимининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция дўст Афғонистон Демократик Республикаси билан ўсиб бораётган маданий алоқаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

«Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов бўлим раҳбарининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

## «УНИВЕРСИТЕТ» ОЛИЙ ЛИГАДА

Тошкентнинг «Университет» командаси хоккейчилари олий лигада ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу хушхабар чим хоккейи бўйича Сизранда ўтказилган Бутуниттифоқ хотин-қизлар саралаш турнири якунида маълум бўлди.

Ўзбекистон и н г спортчи қизлари бу ерда ўзларининг зона бўйича қолган рақибларидан ўзиб кетиб, биринчи ўринни эгаладилар. Ягона йўлланма учун Ленинск ва Қозон спартакчилари, маҳаллий «Волжаночка» спортчилари ҳамда Ўшнинг «Олой» командаси хоккейчилари беллашдилар.

Қолган бошқа беш та зона ғолиблари ҳам аниқланди: «Андижаночка», Москва, Москва области, Горький-нинг спартакчи командалари ва Москванинг ФИСК командаси хоккейчилари муваффақият қозондилар.

Зонал мусобақаларнинг ғолиб қизлари 5—11 октябрь кунлари Тошкентда мусобақалашадилар.

(ЎзТАГ).

## 100 МИЛЛИАРД КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Ўзбекистонда энг катта Тошкент иссиқлик электр станцияси 5 сентябрда 100 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилди. Бунинг учун 14 йил — лойиҳада кўзда тутилганидан анча камроқ вақт керак бўлди. Шу йиллар ичида станциянинг машина-ускуналари тамомила такомиллаштирилди. Бу нарса ГРЭСдаги 12 блокнинг ҳар биттаси қувватини оширишга, уларнинг янада пухтароқ ишлашига имкон берди.

Электр станция коллективи шу йил ёқилғи солиштирма сарфини анча кўпайтиришга муваффақ бўлди.

(ЎзТАГ).

## телетайп лентасидан

● **БЕРЛИН.** Германия Демократик Республикасида Чили халқи билан бирдамлик ҳафтаси бошланди. Ана шу анъанавий намойиш давомида оммавий митинглар ўтказилади, Чилига бағишланган ҳужжатли фильмлар кўрсатилади.

Бу ҳафталик Пиночетни Чили ватанпарварларидан «бедарак йўқолган» 2500 кишининг тақдири тўғрисида жавоб беришга мажбур этиш мақсадини кўзлаган тадбирларнинг бир-идир.

● **БОНН.** «Тинчлик ва қуролсизланиш учун курашда гражданлар ташаббуси» ташкилотининг даъвати билан Мюнхенда «Тинчлик фестивали» ўтказилди. Бу фестиваль «Қуролланиш пойгаси тўхтатилсин—нейтрон бомбага йўл йўқ!» деган шиор остида ўтди.

Фестиваль қатнашчилари орасида ГФР ва бошқа мамлакатларнинг таниқли санъат арбоблари ҳам бор эди. Улар халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадларини йўлида актив ҳаракат қилиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Фестиваль қатнашчилари АҚШда нейтрон қурол ишлаб чиқариш ва уни Ғарбий Европа давлатлари территориясида жойлаштириш режаларини қоралайдилар.

● **ҚОБУЛ.** Афғонистон Демократик Республикасининг ҳукумати аҳоли кенг табақаларининг маданий савиясини ошириш ва мамлакатда саводсизликни тугатишга қаратилган янги тадбирлар планини қабул қилди. Бу план жумладан, оммавий ташкилотларни ялпи савод чиқариш учун курашга жалб этишни, Афғонистон армияси бўлинмаларида саводсизликни тугатиш курсларини ташкил этишни кўзда тутади. Афғонистон Демократик Республикасининг ҳукумати барча ташкилот ва муассасаларга, шунингдек олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва студентларига мурожаат қилиб саводсизликни тамомила тугатиш кампаниясига актив қатнашишга чақирди.

● **АДДИС—АБЕБА.** Эфиопияда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш умуммиллий кампанияси муваффақиятли давом этмоқда. Мамлакатнинг шаҳарларн ва қишлоқ жойларида кўп курслар очилди. Ўқитувчилар, студентлар, юқори синф ўқувчилари ихтиёрий равишда бу курсларда машғулот ўтказмоқдалар.

Гоидар вилоятининг бир ўзидагина бу йил меҳнаткашлардан 13 минг кишига саводсизликни тугатиш курсларини битириб чиққанлиги ҳақида гувоҳнома берилди.

● **ЖАЗОИР.** Жазоир халқ санъатининг биринчи миллий фестивалн энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективларининг якунловчи кўриги билан тамом бўлди. Конкурсда мамлакатнинг ҳамма вилоятларидаги ҳаваскор артистлардан 20 минггa яқин киши қатнашди. Конкурс ҳаваскор санъат мухлисларининг ижрочилик маҳорати юксак даражага кўтарилганлигини намойиш қилди.

(ТАСС).

*Назоратчиларнинг доимий вахтаси*

# ҲАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Шаҳар ва районларнинг халқ контроли комитетлари оммавий текширувлар ҳамда рейдлар ўтказиш пайтларида комсомолларнинг халқ хўжалигини бошқаришда оммавий иштирок этишларининг самарали формаларидан бири бўлган «Комсомол прожектори» аъзоларини кенг жалб этмоқдалар.

Ҳозирги пайтда «Комсомол прожектори»нинг 6566 пост ва штаблари 17 мингдан ортиқ ёш активистларни ўз сафларига бирлаштирган. Бу, халқ хўжалигида ишлаётган олти комсомолнинг бири «КП» ишида қатнашяпти, демакдир. Шунга характерлики, «КП»нинг район штаблари, отрядлар ва постлар ўз ишларини район халқ контроли комитетлари, корхона ва ташкилотлардаги халқ контролининг группа ва постлари билан якиндан ҳамкорликда олиб боришмоқдалар.

«КП» штабларининг бошлиқлари қоидага мувофиқ тегишли халқ контроли комитетининг аъзолари ҳитобланадилар. Халқ контроли комитети, группа ва постларининг составларида 3100 прожекторчилари бор. Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг иккинчи секретари Б. Мамонтов шаҳар халқ контроли комитетининг аъзосидир.

Халқ контроли комитетлари, группа ва постлари прожекторчилар билан биргаликда 1977 йилда ва шу йилнинг биринчи ярмида 2261 текширув ўтказдилар. Бу текширувларнинг 700 тадан кўпроғи кўриб чиқиш ва тадбир-чоралар қабул қилиш учун маъмуриятга топширилди. 276 киши иши партия ташкилотларида кўриб чиқилди, 644 киши корхона ва ташкилотлар коллективлари ўртасида муҳокама қилинди, 489 киши халқ контроли комитети, группа ва постларида ҳамда «КП» штабларида муҳокама этилди.

Қора металларни жамғариш ва давлатга топшириш планларининг бажарилишини текшириш бирмунча самарали бўлди.

Бу йил сабзавот савдоси масаласи алоҳида назорат остига олинди. «Комсомол прожектори» ва мутахассислар иштирокида шу йилнинг биринчи ярмида 104 савдо корхонасида сабзавот-мева маҳсулотларининг сақланиши ва уларни сотишни ташкил этиш масаласи текшириб чиқилди.

Июнь ойида 55 савдо корхонасида сабзавот-меваниинг реализация қилиниши оммавий текширилди. Текширув натижаси Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида кўриб чиқилди. 27— 28 июнь кунлари яна 42 магазин текширилди.

Текширув давомида халқ назоратчилари, «КП» аъзолари «Ташплодоовощ» бирлашмаси раҳбарлари билан биргаликда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва сабзавот-мева сотишни ташкил қилишни яхшилаш юзасидан тадбир-чоралар белгиладилар. Савдо қоидаларини бузганликлари учун комитет томонидан 1 тузлаган ҳамда «КП» штабларида муҳокама этилди.

Халқ контроли органлари, «КП» билан ҳамкорликда ёнилғи-энергетика ресурслари, хомашё ва материалларни тежаб фойдаланиш юзасидан қатъий назорат олиб борганликлари туфайли шаҳар саноат корхоналари шу йилнинг январь-июнь ойларида 24,3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 47,2 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 2147 тонна шартли ёқилғи, 742 тонна металл тежашга муваффақ бўлдн.

Шулар билан бир қаторда халқ контроли органлари ва прожекторчилар хизмат кўрсатиш борасида совет савдо қоидаларининг бузилишига қарши етарли даражада кураш олиб бормоқдалар. Айрим район халқ контроли комитетлари текширувларга «КП» отрядлари ва постларини кам жалб этадилар. Айниқса Октябрь, Киров, Чилонзор районлари халқ контроли комитетлари мажлисларида «КП» материаллари камдан-кам ҳолларда кўрилади.

Шундан келиб чиқиб, шаҳар халқ контроли комитети бир қатор аниқ тадбирлар ва қўшма рейдлар ўтказишни белгилади. Унда «Комсомол прожектори» янада кенгроқ қатнашади.

**Ю. МИХАЙЛОВ,**

**шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.**

● ИШ ТАЖРИБАСИДАН

# ЮКСАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

«Халқ контроли» ойнаси ёнида бир группа ишчилар тўпланишди. Уларнинг диққат-эътибори «Молния» варақасига қаратилган. Унда узел йиғилгандан сўнг қолган ва ҳар тарафда сочилиб ётган деталлар сурати ёпиштирилган. Сурат ёнида раҳбарлар номига: зудлик билан чора кўриш таъкидланган.

— Назоратчилар ҳамма жойда ҳозиру-нозир,— деди ишчилардан бири.—Ҳамма ишни эмдан билиб юришади.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да.— деди бошқаси.— Энг қизиғи, натижа нима билан тугашида!

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг аъзоси, халқ контроли бош группаси раиси Л. Ольховская ҳузурига худди шу масала билан кирдик. Лилия Анатольевна саводимизга жавоб берар экан, шундай деди:

— Ҳа, хўжасизликка бирлашмамизда ҳали ҳам барҳам берилмаган, бу ҳол онда-сонда учраб туради. Цехларда баъзи ишчилар узел ва машинани йиғиб бўлгач, деталлар сочилиб ётганлигига кўзимиз тушади. Албатта, бундай хўжасизлик билан келишиб бўлмайди.

Бошқа участкада эса, бўёқни тежаб-тергаб ишлатишмайди. Корхонага келтирилган станоклар эса, ойлаб ишга туширилмай, занг босиб ётади ва ҳоказо. Назоратчиларнинг диққат-эътибори ҳам худди шундай камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Биз «Комсомол прожектори» билан биргаликда «Молния» варақаси чиқаришни февраль ойидан бошлаб жорий этганмиз.

Хўш, бу варақалар қандай натижа беряпти? Группа раисининг таъкидлашича, ҳар бир текширув натижаси ниҳоясига етказилмоқда. 4-механикаийғув цехида йиллар давомида анча-мунча брак узеллар йиғилиб қолган, лекин уларнинг бир қисмини тузатса бўлади. Варақалардан бири шу каби хўжасизликка барҳам беришга қаратилди. Цех маъмурияти зудлик билан тадбир белгилади. Бракларни саралаш учун ишчи кучи ажратилди. Лекин иш ниҳоясига етмасданоқ, ишчилар бошқа участкага ўтиб кетишди. Бу ҳол назоратчиларни, қониқтирмади. Яна бир бор эслатиш учун варақа чиқарилди.

Ускуналарни ўрнатиш масаласи ҳал этилганда, бошқача йўл тутилди. Қанча ва қандай ускуналар ўрнатилмаганлиги, бу станоклар қаерда ўрнатилиши лозим эканлиги аниқланди. Бунда фақат «Молния» варақаси чиқариш билангина чекланиб қолинмади, балки ускуналарни ўрнатишнинг аниқ графиги тузилди. унга масъул кишилар белгиланди. Бу ишлар дирекция билан келишиб ҳал этилди. Назоратчилар ниҳоят ускуналарнинг ҳаммаси ўрнатилишига эришдилар.

— Хўжасизлик кўкка қарши кураш учун бошланган биринчи рейддан кейиноқ,— дейди партия комитети секретари И. Моисеев,— биз партия комитетининг навбатдаги мажлисида қўлланиладиган тадбирларни жорий этиш учун масъул бўлган ходимлар ҳисоботини эшитдик. Улар зиммасига халқ назоратчилари томонидан айтилган мулоҳазаларни бартараф этиш юзасидан аниқ иш олиб бориш топширилди. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумидан сўнг ҳозирда қишлоқ хўжалигини бундан буён янада кўпроқ техника билан таъминлаш, иқтисодий тежамкорлик учун кураш олиб бориш ишлари янада самаралироқ бўлиши керак. Халқ назоратчилари группаларининг содиқ ёрдамчилари бор. Масалан, бирлашманинг кекса ходимларидан бири — инженер Виктория Савельевна Полонская шундайлардан. Заводнинг «Ишбилармон» ошхонасида тайёрланаётган таомлар сифатсизлиги тўғрисида ишчилардан шикоятлар тушди. Шунда жамоатчиликнинг назорат постини ташкил этишга қарор қилинди. Бу ишга Виктория Савельевна бош-қош бўлди. Жамоатчилик назорати тезда ўз самарасини берди. Таомлар сифати яхшиланди ва хили кўпайди.


«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ назоратчилари группаси — инженер М. Булатова, сифатни бошқариш бўлимининг катта инженери М. Неъматов, сараловчи А. Самадов, техника контроли бўлими бошлиғи А. Мирсандов ва бошқалар фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг олиб борётган самарали ишлари туфайли ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида камчиликлар бартараф этилмоқда.

**«Тошкент оқшоми»нинг коллектив мухбири — «Фрунзевец» кўп нусхали газета редакцияси.**

✦ ЭНГ МУҲИМИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

✦ «КОМСОМОЛ ПРОЖЕКТОРИ» РЕЙДЛАРИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ



СУРАТДА: «Тошкентқабель» зирҳловчиси Миржалол Мирсаидов ва халқ контроли группасининг аъзолари Рафиқ Александрович Абалян ва Лев Маркович Кордонский.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

◆ ГРУППА ВА ПОСТЛАРДА

# АМАЛИЙ ВА ЖАНГОВАР

**Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-фабрикаси халқ назоратчилари олиб бораётган ишлар амалий ва жанговарлик руҳида бўляпти.**

**Назоратчилар тайёрланаётган маҳсулот сифатини асосий масала қилиб олишган. Бу борада ҳам улар талабчанлик ва принципиаллик билан иш олиб боришмоқда.**

**Масалан, маҳсулотларининг бир қисми савдо ташкилотларидан фабрикага қайтариб юборилганда, брақка ким йўл қўйганлигини аниқлаш мақсадида рейд ўтказилди. Сабабчилар аниқланиб, 4, 5, 6-цехларнинг айрим усталарига нисбатан жазо чораси қўлланди.**

**Халқ контролининг бош группасида назоратчилардан — инженер М. Булатова, сифатни бошқариш бўлимининг катта инженери М. Неъматов, сараловчи А. Самадов, техника контроли бўлими бошлиғи А. Мирсандов ва бошқалар фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг олиб борётган самарали ишлари туфайли ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида камчиликлар бартараф этилмоқда.**

●

# ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН

«Ташкентхлеб» бирлашмасининг кўп минг кишилик коллективи зарбдор йилда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқда. Бирлашманинг ишлаб чиқариш корхоналари, цехларида иқтисод ва тежамкорлик ҳаракати яхши йўлга қўйилганги туфайли 1978 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1700 тонна шартли ёқилғи, 18 минг киловатт-соат электр энергияси ва кўплаб бошқа хил хом ашёлар тежашга муваффақият ( бўлинди.

Коллективнинг бундай муваффакиятларга эришувида шаҳар Советининг депутатлари: 3-корхонадан М. Эминова, 2-корхонадан С Омонова, 5-корхонадан А. Отажонова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.

# УСТА, МУРАББИЙ, НАЗОРАТЧИ

Трактор заводининг 3-цех пайвандчиси У. Турғунбоев 1953 йилда заводга ишга келганда Меҳнат резервлари билим юртини тамомлаган ўспирин эди.

Бугунги кунда у тарбиялаган ишчилар заводнинг цех-ва бўлимларида хизмат қилишмоқда. Уларнинг кўпларига уста пайвандчи, коммунистик меҳнат бригадаси ва коммунистик меҳнат зарбдори бўлиб қолишган. Т. Усмонов, И. Курситов, А. Никулин ва бошқалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ишлаб чиқариш командири бўлиб ишлаётган штамповкалаш участкасининг бошлиғи Н. Жаъфаров, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи М. Валиевлар Умар аканинг қўлидан иш урганишган.

У. Турғунбоев— халқ контроли цех группасининг раиси. У ҳар қандай хўжасизликка нисбатан муросасиз ва ишчилар эҳтижи учун жон куйдирувчидир. Шунинг учун ҳам 3-цех назоратчилари корхонада энг жанговар ҳисобланади.

Назоратчилар анчадан буён қушни 1-цех ишини кузатиб юрардн. Бу цех технология халқаси бўйича учинчи цехдан узеллар олар эди. Лекин уларнинг узеллар билан муомаласи унча яхши бўлмай қолди.

Шунда У. Турғунбоев цех бошлиғи А. Чепурченко қузуриге кириб, уни узеллар қандай сақланаётганлигини бир кўриб қуйишга таклиф қилди. Биргаликда лачакланган узелларни, бортларни кўришди...

Шундан кейин бу манзара «Фотоайбномага» олинди.

— Бу иш ҳали тугагани йўқ,— деди бош группа раиси Е. Соколенко.— Масала жиддий ва мураккаб. У. Турғунбоев группаси масалани тўғри қўяпти. 1-цех ишида хўжасизлик мавжуд.

Бу цехга келиб тушган деталларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши юзасидан белгиланган тадбирлар ҳозирдаёқ амалга оширила бошланди.

Меҳнатда яхши намуна кўрсатганлиги ва жамоат ишларида актив қатнашганлиги учун «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган эди. Ўтган йили У. Турғунбоев Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби бўлди.

**А. ДОРОНИН,**

**халқ назоратчиси.**

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

7 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

# Қиш—синов даври

Шаҳар халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида 19 савдо ташкилотларида 1978 йилнинг сабзавот-мева маҳсулотларини қабул қилиш ҳамда уларни сақлаш учун моддий-техника базаларини тайёрлаш қай аҳволда эканлиги юзасидан олиб борилган текширувлар якуни кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси сабзавот-мева маҳсулотлари, картошка жамғаришни, уларни сақлашни, қайта ишлаш ва реализация қилишни ташкил этишни яхшилаш юзасидан катта ишларни амалга оширганлиги қайд этиб ўтилди. Август ойида 46.210 тонна картошка 43.800 тонна сабзавот, 2500 тонна совутиш ускуналари бўлган мева сақланадиган омборлар, 4625 тонна тузланган нарсалар сақланадиган омбор тайёрлаб қўйилди. Музлатиш қурилмалари, шамоллатиш системалари, юк ортиш-тушириш транспорт ускуналари жорий ремонтдан чиқарилди.

Шу билан бирга, халқ назоратчилари ишчилар «Комсомол прожектори» билан олиб борган текширувлари шуни кўрсатдики, баъзи бир қурилиш ташкилотлари ҳамда «Ташплодоовощ»нг бирлашмасининг раҳбарлари қиш фаслига омборхоналар тайёрлаш масаласига ҳамон масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Масалан, мавжуд омборхоналар тўла равишда капитал ва жорий ремонтдан чиқарилмаган, бочка идишларнинг ҳаммаси ремонт қилинмаган, янги омборхона ва цехларнинг қурилиши суръати сust. Бу сўз айниқса 2-сабзавот-мева комбинатида қурилаётган 10 минг тонна пиёз сақланадиган омборхона қурувчиларига тегишлидир. Бош пудратчи — 3-трестнинг 36-бошқармаси шу йилнинг январь-июль ойига планлаштирилган 2288 минг сўм ўрнига, амалда 1462 минг сўмлик ёки 42 процент маблағни ўзлаштирган.

Шуниси ташвишлики, бу ерда қурилган омборхоналарнинг камчиликлари борлиги сабабли, уларда сабзавот-мева маҳсулотлари сақлаб бўлмайди.

1, 3, 4-сабзавот-мева комбинатларида ҳам омборхоналар тайёрлаш иши сустлик билан олиб борилмоқда. Республика Савдо министрлигининг қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси қурилиш ишларининг бориши ва сифати устидан яхши назорат олиб бормаяпти. Бир қатор улгуржи-чакана савдо идораларидаги омборхоналарнинг моддий-техника базаларини тайёрлаш қониқарсиз ва жиддий камчиликлар мавжуд.

Шаҳар халқ контроли комитети «Ташплодоовощ»ни бирлашмаси, Куйбишев, Киров, Ҳамза, Собир Раҳимов район он улгуржи-чакана савдо идораси раҳбарларига бу ташкилотларнинг 1978 йил ҳосилини қабул қилиш ва уларни узоқ муддат сақлаш учун моддий-техника базаларини тайёрлашни ташкил этишда жиддий нуқсонлар борлигини уқтирди. «Главташкентстрой» 3-трестининг 36-қурилиш бошқармаси бошлиғи М. Палтиевич 2-сабзавот-мева комбинатида пиёз сақланадиган омборхона қурилишини сust олиб бораётганлиги учун огоҳлантирилди.

▲ ТАНҚИД УТИ ОСТИДА

# Алло, Сизни эшитмаяпман...

Тошкент шаҳридаги телефон симлари орқали бу сўзларни кун бўйи кўп марталаб эшитиш мумкин. Бу сўзларни бир томонда — шаҳарлараро телефон станциясининг ходими айтса, иккинчи томондан кутавериб тоқати-тоқ, асаблари таранг бўлиб кетган абонент такрорлайди.

Шаҳримиздаги 42 сўзлашиш пунктида 125 хона ўрнатилган бўлсада, афсуски аҳволни тузатиб бўлмаяпти. Гап пунктлар озлигида эмас, балки алоқанинг яхши йўлга қўйилмаганлигидадир. Алоқа фақат икки шахс— Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг бош инженери А. Войцеховский билан шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бош инженери У. Холматов ўртасидагина сифатли йўлга қўйилган. Бу раҳбарлар ўзаро телефон алоқалари тўғрисида қайгуриб, шаҳримиздаги мавжуд алоқа воситалари ишлари сифатини ошириш, улар устидан назорат олиб бориш тўғрисида мутлақо ўйламай қўйдилар.

Абонент тутқичи қўлига олиб, икки «сеҳрли» рақам — «07»ни териб буюртма берадию, бир соат давомида: «Маргилон билан гаплашмоқчи эдингизми? Гаплашинг...» деган сўзларни эшитиш учун қисқа гудокка қулоқ солиб ўтиради.

Ҳақиқатда оддий ва осонгина амалга ошириш мумкин бўлган суҳбат учун аксарият ҳолларда шаҳарлараро телефон станцияси ходимасининг фойдасиз қўнғироғини эшитиш учун соатлаб вақт беҳуда кетяпти. 1977 йилда тошкентлик абонентларга суҳбат уюштириб бериш плани 300 минг сўмлик кам бажарилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Бу йил ҳам аҳвол ўтган йилдагидан яхши эмас. Шу йилнинг январь—июль ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан телефон суҳбатларида бажарилмаган буюртмалар бир ярим баравар кўпайиб, икки мингдан ошиб кетди.

Аммо техника тараққиёти тобора жадаллашмоқда. Автоматика телефонистка-ларга ёрдамга келди. Бугунги кунда уйингиздаги ёки шаҳарлараро автоматик телефон тутқичини қўлга олиб, керакли кодни териш билан марҳамат қилиб тўғригингизча гаплашишингиз мумкин!

Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида телефон автоматлари етишмайди, мавжудларининг ҳам аксарияти бузуқ. Бўлмаса биринчи (хоҳласангиз ўнинчи) мартада Ростов, Ленинград, Киев, Олмалиқ шаҳарларига автоматдан телефон қилиб кўрингчи?! Овора бўласиз. Статистиканинг маълумотига кўра, уланишда худди шу борада 40—60 процент абонентлар мақсадларига эриша олмайдилар.

Сиз телефон дискидаги рақамларни умид билан теравериб, диққи-нафас бўлган пайтингизда Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг раҳбари телефон тармоқлари шаҳар бошқармасидаги. ёки почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармасидаги ҳамкасабаси билан бамайлихотир, шошмасдан суҳбатлашаётган бўлади. Улар нима ҳақида суҳбатлашишаётган экан? Ҳар ҳолда шаҳарлараро телефон алоқасини яхшилаш тўғрисида бўлмаса керак...

Шаҳар халқ контроли комитети ўзининг навбатдаги кенгашида юқорида номлари келтирилган ташкилотлар фаолиятини муҳокама қилиб, шаҳарлараро телефон станциясининг бош инженери А. Войцеховскийга виговор берди. Шунингдек Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бош инженери У. Холматов, почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бош инженери Р. Маханикка нисбатан қатъий жазо чораси қўлланди.

Биринчи мартадаёқ Киев ёки Ленинградга бир галдаёқ телефон қилиш мумкин бўладиган кун узоқ бўлмаса керак, деган умиддамиз.

**О. ЭГАМБЕРДИЕВ.**

# СТАНОКЛАР БЕКОР ТУРИБ ҚОЛЯПТИ

«Электробитприбор» заводи ҳамда «Ўтоқ» кондитер фабрикасида технология ускуналаридан унумли фойдаланиш масаласи шаҳар халқ контроли комитетининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди. Халқ назоратчилари олиб борган текширув натижасида бу корхоналарда станоклар паркидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги аниқланди.

Масалан, «Электробитприбор» заводида металлга ишлов берувчи станокларнинг иш билан таъминланиш коэффициенти атиги 0,39 процентни ташкил этади. Умуман завод бўйича ишлаб чиқариш қувватининг 76,2 процентидан фойдаланилаяпти экан. Бу ерда ускуналарнинг бекор туриб қолиши ҳисобга олинмайди. Текширув давомида корхонадаги иккита станокдан шу йил февраль ойидан буён фойдаланилмаслиги аниқланди.

«Ўтоқ» фабрикасида бўлган халқ назоратчилари ҳам станоклар паркидан фойдаланиш шу аҳволда эканлигини кўрдилар. Бу ерда ишлаб чиқариш қувватларидан 89,3 процент фойдаланилмоқда, 1977 йил ва шу йилнинг январь-июль ойлари мобайнида ускуналарнинг алмашинув коэффициенти пландаги 2 ўрнига 1,9 ни ташкил этган. Шу йил 1 августда фабрикада ўрнатилмай турган ускуналар 46,7 минг сўмликни, жумладан чет эллардан келтирилганлари 26 минг сўмликни ташкил этди.



Бу корхоналарнинг халқ контроли группалари ишлаб чиқариш қувватлари ва резервларидан фойдаланиш масаласига етарли даражада эътибор бермайдилар.

Йўл қўйилган камчиликлар учун «Электробитприбор» заводи директори П. Мирзаев огоҳлантирилди.

«Ўтоқ» фабрикасининг бош инженери З. Виноградовага ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётганлиги ва ўрнатилмаган ускуналар мавжудлиги уқтирилди.

Шаҳар халқ контроли комитети корхоналар раҳбарлари зиммасига юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш вазифасини юклади.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИНИНГ РЕЙДИ

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Метронинг «Чилонзор» станциясидан чиқиб, атрофга кўз ташласангиз пойтахтнинг бу районн нақадар чирой очиб, ободонлашаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Кенг кўчаларнинг икки томонида кўп қаватли бинолар саф тортган, ямшил дарахтлар соя ташлаб турибди.

Фақат очиқ тақир ерда, темир панжаралар ортида В. И. Ленин номли республика хотин-қизлар педагогика билим юртининг комплексигина шундай ободончиликдан маҳрум бўлиб турибди. Комплекс ҳозирча ўқув корпуси ва 600 ўринли ётоқхонадан иборат. Ўзбекистонда энг йирик ҳисобланган бу билим юртининг ўқувчилари ва ўқитувчилари ўтган йили бу ерга кўчиб келишган эди. Агар синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, иккала бино ҳам путурдан кетганлигини кўрамиз. Асфальт йўлларнинг баъзи жойлари чўкиб кетган. Бу нуқсонлар — «Главташкентстрой» 153-трести 31-қурилиш бошқармаси бош пудратчилари, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, жумладан «Таштрансспецстрой» ишчиларининг йўл қуриш ва ободонлаштириш ишларидаги брақдир.

Лекин билим юртида қурилиш энди авж оляпти. Буюртмачи — Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги капитал қурилиш бошқармасининг рўйхатидан 300 ўринли ошхона (шу йилнинг иккинчи, кейинчалик учинчи квартални топширишга қарор қилинган) ва спорт зални (бу ҳам шу йил топширилиши керак) ўқиш мумкин.

Хўш, қурилиш ишлари қай аҳволда?

— Бу кетишда ўқувчиларимиз ҳалибери ошхонадан овқатлана олиша олмаса керак,— дейди билим юрти директори Мехри Шарипова.— Нега десангиз, ошхонанинг «скелети»га боқишнинг ўзи кифоя.

Объектни айланиб, биз директорнинг ҳақлигига ишондик. Ўзмумқурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолган бўлса-да, лекин ёрдамчи пудратчи ташкилот одамлари бу ерга қадам ранжида қилганича йўқ. Янги бош пудратчи — 153-трестнинг 14-қурилиш бошқармасига томларни ёпиш. панеллар орасидаги тирқишларни бетонлаш каби «майда» ишлар қолганки, буларсиз объектни фойдаланишга топшириб бўлмайди.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик. Ошхона қурилиши смета ҳужжатларида 127,2 минг сўм. Бош пудратчи қурилиш-монтаж ишларида 106,9 минг сўмни ўзлаштириши керак. Биринчи июлга қадар объектнинг 35 процента битган, холос.

Бино 1976 йилда қурила бошланган. Бош пудратчилар шу пайтгача нима билан шуғулландилар? Бу саволга жавоб осон. Одатдагидек бошила ўқув корпуси билан ётоқхона қурилишига





СУРАТЛАРДА: (ўнгда) фойдаланишга топширилиши лозим бўлган ошхона биносининг бугунги қиёфаси шундай.

Яна бир фойдаланишга топшириладиган объект — бу спорт залидир. Бино ўрнида зовур бор, холос.

В. Эннер фотолари.

бошқармасининг участка бошлиғи Р. Деҳқонов бу ерда ишлаётган ғишт терувчиларни бошқа «янада зарур» участкага ишга ўтказибди. Томни ёпиш ишлари ҳам сабабсиз талаб қўйилибди. Бош пудратчининг айтишича, бир қаватли бино томига керамзит чикариб бериш учун автокран топилмаётган эмиш.

Ошхона қурилишини кетга сураётган сабаблар шуларми?

Буюртмачи — республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг капитал қурилиш бошқармаси шу пайтгача қурувчиларга ошхона учун ишлатиладиган технология ускуналар комплектини етказиб бера олганича йўқ. Кабель маҳсулотлари, дудбуронлар йўқлиги учун электромонтажчилар ва вентиляция ўтказувчилар иш бошлаполмаяпти. «Главташкентстрой»нинг тажриба-механика заводида ҳали ҳам металл витражлар ишлаб чиқариш масаласи ҳал қилинмаган.

Спорт залининг қурилиб, бу йил фойдаланишга топширилиши тўғрисида лом-мим демаса ҳам бўлади. Ўқув корпуси орқасидаги ҳандақларга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ундан чиққан тупроқлар шу йил апрель ойидан буён уюлиб ётибди. Бош пудратчи иш бошлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ваҳоланки, қандай фундамент қурилиши тўғрисида на бош пудратчи ва на лойиҳачи институт бирон-бир фикрга келишганича йўқ.

14-қурилиш бошқармаси қурувчиларининг ва буюртмачи ташкилотнинг ана шу масъулиятсизликларининг чеки борми? Бу масъулиятсизликнинг факат ҳар икки томоннинг тезроқ иш бошлаши билангина бартараф этиш мумкин.

**В. ЗОЛОТИХ,**

**шаҳар халқ контроли комитетининг инспектори.**

**В. ЭНКЕР,**

**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

## СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**М. БАҲРОМОВ: Мен 34 йилдан буён почтальон бўлиб ишлайман. Ёшим 52 да. Хўш, энди ишламасам ҳам бўладими? Унда пенсияга чиқишим қандай бўлади? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Меҳнат қонунлари тўғрисида амалдаги тадбирларга мувофиқ эркаклар 25 йил, аёллар эса 20 йил иш стажига эга бўлгач, ишламасликка гражданлик ҳуқуқлари бор. Аммо уларга пенсия фақат пенсия ёшига етганларидагина тайинланади.

* * *

**А. БОЛТАЕВ: Шаҳримизда миллий чолғу асбобларидан торни тузатиб берадиган устахона борми? Агар бор бўлса, у қаерда жойлашган?**

**Жавоб:** «Техложбытприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли устахоналарда торингизни тузатдиришингиз мумкин. Улар «Октябрь» колхоз бозорида ва Собир Раҳимов кўчасининг Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи яқинида жойлашган.

* * *

**А. НОРБОЕВ, Н. РАСУЛОВ: ВЭФ-202 маркали транзисторимизнинг антеннаси, «Весна-305» магнитофонимизнинг пластмасса корпуси синиб қолди. Шаҳримизда уларни тузатиб берадиган устахона қаерда жойлашган?**

**Жавоб:** Радио, транзистор, магнитофон, телевизорларнинг барча турлари ва уларнинг барча қисмлари район телеателеларида ремонт қилинади. Бундай ателеларнинг айримлари Энгельс кўчасидаги 98, Лисунов кўчасидаги 10-уйда жойлашган.

* * *

**М. МУСАЕВ: Улуғ Ватан урушининг 1-группа инвалидлари транспорт бошқарнша олмайди. Аммо уларнинг машина бошқаришдаги онла аъзолари ёки қариндоши бўлса имтиёзли равишда машина олишга ҳақлими?**

**Жавоб:** Улуғ Ватан уруши инвалидларига кўзда тутилган имтиёзлар тўғрисидаги амалдаги тартибларга мувофиқ транспортда юра оладиган 1-группа Улуғ Ватан уруши инвалидларига уларнинг оила аъзоларидан бири машина бошқаришга ҳуқуқи бўлсагина имтиёзли равишда машина берилади. Бунинг учун врачлар кўрик комиссиясининг махсус справкаси орқали рухсат берилиши лозим. Ана шундан сўнг барча расмийлаштириш ишлари район социал таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

* * *

**М. НОСИРОВА: Ҳурматли редакция! Ҳомиладорлик ва туғруқ отпускасига чиққан ишчи ва хизматчи аёлларга қандай ҳақ тўланади? Ҳақ тўлашда уларнинг меҳнат стажининг канчалиги ҳисобга олинадими?**

**Жавоб:** Ишчи ва хизматчи аёлларга давлат социал страховацияси ҳисобидан нафақа тайёрлаш ва тўлаш бўйича амалдаги низомга кўра ҳомиладорлик ва туғруқ отпускасига чиққан аёлга у касаба союз аъзоси ёки аъзоси эмаслигидан ҳамда меҳнат стажининг канчалигидан қатъий назар нафақа тўлиқ иш ҳақи ҳисобида тўланади.

* * *

**Ғ. ҚОДИРОВ: Шаҳримизда қандай музика мактаблари бор? Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Музикага қобилияти зўр бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама билимли қилиб етиштирадиган бир қанча мактаблар бўлиб, шулардан бири Успенский номидаги музика мактабидир. У Карл Маркс кўчасидаги 71-уйда жойлашган. Бундан ташқари Чилонзорда ҳам шундай мактаблар бор. Бу ерда 16, 6, 8-музика мактаблари бор. Шуни айтиш керакки, бу мактабларнинг форгепьяно синфларга 7 — 8 ёшдаги ўғил ва қизлар қабул қилинади.

✦ «ЎЗБЕКФИЛЬМ» ТУҲФАСИ

# ФИДОЙИЛИК ҚИССАСИ

Ҳадемай санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этиладиган «Ўзбекфильм» киностудиясининг янги асарини «Фидойилик қиссаси» дейиш мумкин. Бу асарда бугунги кунги партия ходимларининг мураккаб ва улуғвор ишлари ҳикоя қилинади.

Одатда энг нозик пайтларда киши характеридаги ботиний хусусиятлар юзага қалқади. Улуғ Ватан уруши даври ҳам халқларимиз учун катта синов даври бўлгани сир эмас. Ёқуб ота ҳам кўпчилик совет кишиларининг бири. У уруш йиллари ўз жамоармасига танк олади. Бу танкда унинг фарзандлари босқинчиларга қарши жангга киради. Ватан ҳимояси йўлида улар жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Ёқуб ота ана шу фарзандлари хотирасига беш туп азим терак экади. Йиллар ўтиши билан бу тераклар кўкка бўй чўзиб, жасур ўғлонларининг жасорати ҳақида қўшиқ куйлаётгандек шовуллаб туради.

Асарнинг энг таъсирчан, томошабинни ҳаяжонга соладиган жойи ана шундан бошланади...

Бировлар ташвиши билан яшаб, одамларнинг орзу-ҳаваси йўлида курашувчи ва ўз бахтини мана шу кураш моҳиятида кўрувчи, мақсади— халқнинг осойишта, фаровон яшашини таъминлаш бўлган район партия комитетининг биринчи секретари Азиз Қудратов томошабинларнинг суюкли қаҳрамонига айланиб қолади. Айниқса, артист Теша Мўминов бу образни жуда ҳаётий ва ишонарли талқин қилган. Биз унинг киёфасида партия ходимига хос бўлган камтарликни ҳам, одилликни ҳам, кузатувчанлиг-у заковатни ҳам кўрамиз. Шунингдек, райкомнинг иккинчи секретари Усмонов роли ҳам пишиқ ва ўзига хос, ҳаётий. Бу ролни Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Умаров ўйнаган.

Ёқуб ота образи ҳақида ҳам анча илиқ гаплар айтса бўлади. Бу образ Ҳ. Наримонов талқинида ҳаётий чиққан. Шунингдек, асарда таниқли санъаткоримиз Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимовлар ҳам ўзига хос, қайтарилмас образлар яратишган.

«Одамлар ташвиши» дея номланган бу янги асар сценарийси муаллифлари Николай Рожков ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўлмас Умарбеков.

Партия ходимининг мураккаб иш жараёни, фидойилиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Одамлар ташвиши» фильмини атоқли кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов суратга олган.




## ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Болаларнинг фаолияти ўзлари астойдил қизиққан чинакам жонли ишда туғилиши мумкин.

**А. С. МАКАРЕНКО.**

* * *

Ёшликдаги оқкўнгиллик, жўшқинлик, олов. оташликни меҳр билан авайлаб ўстириш керак. Бу — тарбиячидан ёшларнинг ҳис-туйғуга бой фикрларидан келиб чиқадиган хатолари, нотўғри қадамлари ва қарорларига нисбатан гоят эътибор ва одоб билан қарашни талаб этади.

**В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.**



Ҳар бир ҳунарнинг ўз гашти бор. Қизлар ўзларн тиккан ироқи дўппиларни завқ билан томоша қилишпти. Шаҳримизнинг Островский номли пионер ва ўқувчилар саройидаги наштачилик тўгарагига қатнашган ёшлар ана шундай завқли касбни ўрганишади.

М. Нуриддинов фотоси.

# ЯХШИГА ЭРГАШДИМ— ЕТДИМ МУРОДГА

Яхшилик авлоддан авлодга ўтиб яшайверади. Инсоннинг садоқати, ҳиммати ҳеч қачон унутилмас экан. Даврада гап шу ҳақда борарди. Ҳамма ўз дилидагини айтишга ошиқарди. Касбдошимиз Каримахон ҳам ўз акаси —, Собиржон ҳақида, унинг меҳрибонлиги, оқибатлиги, куйди-пишдилиги, умуман, одамийлигини фахрланиб, тўлиб-тошиб сўзлади:

— Акам болаликдан мулойим, одамга раҳмдил, кўнгилчан лар. Ота-онамизга, бизларга бирон марта қаттиқ гапириб, ранжитганларини билмайман. Ота-онага, укаларига меҳрибон, жонкуяр чиқишлар. Бош ўғил бўлганларидан дадамнинг ёнларига кирдилар. Дастёрчиликда ёлчитдилар. Акам ёшликдан уюнчоқ бўлдилар, ёмон юрмадилар. ўқиш, меҳнатни билдилар.

Аравачанинг олдинги ғилдираги қаердан юрса, кейингиси ҳам шу ердан юради, деганларидек биз ҳам уларга эргашдик. Улар нима қилсалар, шуни қилишга уринадик.

...Йиллар ўтаверди. Акам ўқишни ҳам тугатдилар. Бу орада отам вафот этдилар...

Отадан кейин оила ташвишлари Собиржоннинг устига тушди. У ота насиҳатини унутмади. «...Йигит йигитдек бўлса. Қўлида иш чақнаса, ҳа, эркак киши ҳамма нарсанинг уддасидан чиқиши керак. Ўзи мард, сўзида турадиган, ҳалол-пок бўлса!»

Ота болаларни аҳил бўлишга, катталарни укалари ҳақида ғамхўрлик қилишга, укаларини эса ака-опаларини сийлашга, уларнинг сўзидан чиқмасликка, одамлар билан чиқишиб яшашга ўргатди. Оиланинг тотувлиги, болаларнинг ўзаро аҳиллигининг боиси ҳам шунда эди. Ота-онанинг ибрати, ўгит-насиҳати болалар тарбиясида ўз натижасини кўрсатмай қолмади.

Собиржон укаларини ёнидан жилдирмади. Ҳар ишга солиб кўрди, чиниқтирди. Вақти-вақти билан уларнинг ўқиши ва юриш-турмушлари д а н хабар олди. Онасини айди. айтганларидан чиқмади. Ишлаб, оилани моддий томонлан таъминлаб турди. Укаларининг зехни, кобилиятига ярашур касбҳунар танлашларига кайгурди ва тўғри йўл кўрсатди. Сингилларини узатиб, укаларини уйлик қилди.

Собиржоннинг хизматлари, отасининг орзулари зое кетмади. Укаси Самиқжон етмиш ҳунарли, номи чиққан дурадгор, Содиқжон мактабда математика ўқитувчиси. Султонжон бўлса адабиёт муаллими, сингласи Каримахон тарбиячи— педагог. Кичик сингласи— Насибахон ҳам ўқувчи. Унинг орзуси ҳам ака-опаларига ўхшаб элга хизмат қилишдир. Шуниси қувонарлики, бу аҳил хонадонда тарбия топган фарзандининг ҳар бири ўз оиласини бахтиёр қилди.

Мана, бир Каримахонлар оиласини мисолга олайлик. катта даргоҳ: қайнона, овсин, қайини бўйинлари...

Ҳаммаларини иззат-ҳурмат қилади. Тиқ этган овозини эшитмайсиз. Овсини билан опа-сингилдек яшашади. Бир-бирларининг ишларини қилишиб, болаларини боқиб кетишаверади. «Маники», «саники» йўқ. Болалари ҳам аҳил, бир-бирига меҳрибон, овсинлар бир-бирлари ҳақида ортиқаларидан бол томиб гапиришади.

Эр-хотин яшлашади. Бир-бирига ҳурмати яхши. Болалар тарбиясида баробар қайгуришади. Уларнинг ҳам 5 фарзанди бор. Раъно, Шаҳло мактабни олтин медалга битиришди. Равшан. Анваржонлар ҳам опаларидан қолишмайди.

Мана, аҳилликда, кенгликда, ширинсўзликда қанча ҳикмат бор экан!

Қари билгични пари билмас. Ҳабиба хола ҳозир кексайиб қолган. 30 га яқин невара-чеваралик. Табаррук она ўғил-қизларига қуйидагиларни уқтириб насиҳат қилади:

— Болалар меҳнатда чиниқсин, рўзгордан гап-сўз топиб келгудек бўлса, қайтариб ташла, одатланмасин. Ўша уйга меҳр қўйишини ўйлаб иш тутиш керак. Зинҳор куёвнинг олдида қизинг томонини олиб гапирма, қадринг кетади.

Болаларни мансабдор — борини ҳам, бундайроқ хизматчисини ҳам бир хилда кўриш керак...

Ҳабиба холанинг ана шу сўзларида олам-олам маъно бор. Чиндан ҳам «Ҳурмат қилсанг— ҳурмат кўрасан» деб бежиз айтишмаган.

Чиндан ҳам қобил фарзанд ота-онанинг қувончи, таянчи бўлади. Яхши фарзанд ота-онани, кексаларни ҳурматлашни ўзининг олий бурчи деб билади.

Ака-ука, опа-сингилларнинг меҳр-оқибатлилиги оиланинг бахт-саодатини белгилайди, кўнгилларни хушнуд қилади, умрга умр қўшади. Собиржон ўз рафиқаси— Ойдинхонга ҳам меҳрибон бўлди. Тўрт фарзандга ота-она бўлишди. Ҳаднча, Ҳамида, Хосиятхонлар, хушхулқ Алишер ҳудди ўзларига тортишган.

Яхшилик ерда қолмайди, деганларидек, унинг ота-она, ака-укаларига, ёру дўстларига қилган хизмати эндиликда минг бор бўлиб ўзига қайтяпти.

Тани-жони соғ. элюрт ичида обрў топди. Укаларининг ҳаммаси уддабурон, қўлидан келмаган ишлари йўқ. Бола-чақалик бўлишиб, ўзларидан тинишган. Ака ҳурматини жойига қўйишади.

Хамон у катта оилага бош-қош. Собиржон ажойиб инсон, қобил фарзанд, камтар олим, меҳрибон ака, вафодор ёр, ғамхўр ота, жонкуяр жамоатчи...

Собиржон Содиев бир неча йилдирки рус тили ва адабиёти институтида масъул вазифани ўтаб келмоқда. У ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў топганлардан бири.

**Ойшахон ТЎРАЕВА,**
**Мирсоат ЭРГАШЕВ,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доцентлари.**

✦ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# КОНСЕРВАГА ҚЎШИЛАДИГАН МАСАЛЛИҚЛАР

**Компот ва сиркалангэн консерваларга қўшиладиган масаллиқлар микроорганизмларни ривожлантирмайди, шу билан бирга уларнинг тотли бўлишини таъминлайди. Қуйида шулар билан таништирамиз.**

ШАКАР. Бу маҳсулот компот тайёрлаш учун зарур бўлиб, жуда аъло навдасигина яхшилигига беради. Қировдек оппоқ, хас-чўпи йўқ ва қуп-қуруқ бўлиши керак. Сариғимтил тусдаги, битталикига қора-қура аралашган ва қумоқ-қумоқ бўлиб турган шакар нам тортган бўлиб, ширин муҳитни яхши ҳосил қилмаслиги мумкин.

ОШ ТУЗИ. Асосан тўрт сортдан иборат: экстра, олий, биринчи ва иккинчи сортлар. Консерва учун фақат экстра ва олий сортлари яроқлидир.

СИРКА. Бу маҳсулот икки хил бўлади. Эссенция (70—80 процентли) ва сирка кислотаси (5—8 процентли). Эссенция жуда хавфли, одамни заҳарлаши мумкин, уни сувга аралаштириб процентини камайтирмасдан ишлатиб бўлмайди. Яхшиси 5—8 процентли сирка кислотаси қўлланган маъқул.

ЛАВР ЯПРОҒИ. Магазинларда асосан қуритилган барглари ва калта-калта шохчалари сотилади. Бу маринадга хушбўй лаззат берувчи масаллиқ сифатида қўшилади.

ҚОРА МУРЧ. Тўйилмаган мошдан йирикроқ, қора ёки жигар ранг тусда, сирти тарам-тарам бўлади. Фитонцидли аччиқ муҳит ҳосил қилиши учун ва маҳсулотларни тотли қилиш учун ишлатилади.

УКРОП. Бир йиллик кўкат ўсимлиги бўлиб, жуда хушбўй. Сабзавотларни консервалаганда илдизидан ташқари ҳамма қисми ишлатилади.

ХРЕН. Кўп йиллик ўсимлик, барглари турп баргига ўхшаш, лекин бир оз йирикроқ ва дағал бўлади. Маринадлар учун арчилган илдизи ҳамда ювиб тозаланган барглари ишлатилади.

ЖАВҲАРЛИМУ (Лимон кислотаси). Оқ кристалл тузилишга эга, ҳиди нафис, ширин. Кислотаси кам бўлган ширин мевалардан компот тайёрланганда пичоқ учида қўшилади.

✦ БАРЧАГА БАРАВАР МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

## ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАНДА...

Халқимиз «зангори олов» деб тилга олаётган газ чиндан ҳам жоннинг роҳати бўлиб қолди. Эндиликда «зангори олов» кирмаган хонадон бўлмаса керак. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда «зангори олов» —газ ошхона плиталари, сув иситгичлар, газ билан ишлайдиган иситиш асбоблари учун арзон ёқилғи сифатида жуда машҳур. Бироқ газда ишлайдиган асбобларни бепарво ишлатиш, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Ғап шундаки, газ ёнганида карбонат кислота ва сув буғи ҳосил қилади. Агар ошхона етарлича шамоллатиб турилмаса, карбонат кислота билан сув буғи кўпайиб, кислород камайди, бунинг натижасида газ тўла ёна олмай, заҳарли ис гази чиқиб кишини заҳарлаши мумкин.

Газдан фойдаланганда хонани тез-тез шамоллатиб туриш зарур эканлигини асло унутмаслик керак.


Хўш, газдан фойдаланганда нималарга эътибор бериш керак?

Аввало шуни айтиш керакки, газ чиқиб турса хонадаги ҳаво билан аралашиб портловчи аралашма ҳосил қилади. газ алангаси сариқ эмас, кўм-кўк бўлиши, катта кастрюлка ва баклар баланд қиррали махсус конфоркалар устига қўйилиши керак. Ошхона, ваннахона ва уйда газ ҳиди, ис бўлмасин. Газ колонкасини ёқишдан олдин дудбуронинг яхши тортишини текшириб кўринг.

Газ билан иситиладиган печларнинг дудбурони яхши тортса ёнғин маҳсулотлари тўла чиқиб кетади. Бироқ газ асбобларининг тузук-бузуқлигини ва газ трубаларининг герметиклигини текшириб туриш лозим. Асбобларнинг тузуклигига шубҳа қилинса, дарҳол газни ўчириб, аварня хизматига мурожаат қилинг.

Бироқ тузук асбобларда ҳам газ ёниши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Ғап шундаки, газ ёнганида карбонат кислота ва сув буғи ҳосил қилади. Агар ошхона етарлича шамоллатиб турилмаса, карбонат кислота билан сув буғи кўпайиб, кислород камаяди, бунинг натижасида газ тўла ёна олмай, заҳарли ис гази чиқиб кишини заҳарлаши мумкин.

Газдан фойдаланганда хонани тез-тез шамоллатиб туриш зарур эканлигини асло унутмаслик керак.



АЖОЙИБ АТТРАКЦИОН.
ТАСС фотохроникаси.

✦ УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

# ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

✦ Сирланган идишларни бирданига иссиқдан совуққа, совуқдан иссиққа ола кўрманг. Аксинча ёрилиб, сири кўчади.

✦ Жигарга қовурадиган ёғдан эмас, пишгандан сўнг туз сепган маъқул. Акс ҳолда у қотиб пишади.

✦ Хамир қораётганда, нон ясаётганда бирон хил истеъмол қилинадиган ёғ суртиб олсангиз қўлингизга ёпишмайди.

✦ Хамир қорадиган сувга бир чимдим ичимлик сода аралаштириб юборсангиз яхши ошади.

✦ Тухумни ёққа солиб пиширяётганингизда тузни оқиға сепинг. Сариғига сепсангиз у ола тароқ бўлиб қолади.

✦ Сариёғ бузилмасин десангиз уни, қайнатиб совутилган шўр сувда сақланг.

✦ Синтетик толадан тўқилган пайпоқ ва носкиларни кунда ювиб туриш керак, шунда озодаликка амал қилиб, гина қолмай, товон териси касалланишдан ҳам сақлаб қолинган бўлади.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ВАРШАВА. Олимлар ва мутахассислар Польша Халқ Республикаси территориясини ўзлаштиришнинг 1990 йилгача бўлган перспектив планини ишлаб чиқдилар. Бу планда давлатнинг халқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги узоқ муддатли сиёсатининг принциплари белгилаб берилган.

Планда Варшава ва Силезия каби катта саноат марказларини янада ўстириш билан бирга бошқа районларни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилади.

* * *

### МОСКВА ОЛИМПИАДАСИГА

ПРАГА. 1980 йилда Москвада ўтказиладиган ёзги олимпия ўйинларининг эмблемаси бўлиб қолган айиқчаларнинг дастлабки туркумини Чехословакиянинг Брно шаҳридаги «Моравска Устрешедна» ишлаб чиқариш кооперативининг ходимлари духобадан тайёрладилар. Келгуси йили ана шу галати ёдгорликлардан салкам 200 мингтаси бу ердан дунёдаги ўнлаб мамлакатларга жўнатилади. Ўзининг юксак сифатли маҳсулоти билан шуҳрат қозонган Брно кооперативига Москва олимпиадаси учун вимпеллар, рўмолчалар ва бошқа ёдгорликларни тайёрлаш ҳам топширилди.

* * *

### БОЛГАРИЯДА ВИСТАВКА

СОФИЯ. Болгариянинг Орешак шаҳрида халқ бадиий ҳунармандчилиги халқаро виставкаси очилди. Виставкада Болгария, Румыния ва совет усталари иштирок этмоқдалар. Керамика, газлама, металл, суяк ва ёғочдан ишланган икки мингга яқин экспонат виставкага қўйилган. Холмогорскдаги Ломоносов номли фабриканинг буюмлари олий мукофотга сазовор бўлди.

* * *

### ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

ГАВАНА. Куба Республикаси халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун йилнинг биринчи навбатида етказиб берилган юкларнинг 60 процентдан кўпроғи (нефть ва нефть маҳсулотлари бу ҳисобга кирмайди) СССР савдо флотининг кемаларида ташилди.

Ҳозирги вақтда совет кемалари Озодлик оролининг денгиз портларига жуда тез-тез келиб турибди.

* * *

### ЕРДАГИ ЯНГИ ХАЗИНАЛАР

ПХЕНЬЯН. КХДР геологлари шу йилнинг бошидан буён кўмир, темир рудаси, рангли ва нодир металларнинг 17 та янги конини очдилар. Шу йилнинг биринчи ярмидагина бир неча ўн миллион тоннага борадиган кўмир запаслари очилди. ўнлаб янги руда конлари ўзлаштириш учун тайёрлаб қўйилди.

* * *

### БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

УЛАН-БАТОР. 40 мингдан кўпроқ монгол бинокорлари ўзларининг профессионал байрамларини — МХР бинокорлари куни байрамини нишонладилар.

Қурилиш индустрияси халқ хоқимияти йиллари мобайнида мамлакат халқ хўжалигининг мустақил, юксак равишда механизациялаштирилган тармоғига айланиб, МХР экономикасида жуда муҳим ўринларнинг бирини эгаллаб турибди. Миллий даромаднинг 7 процентдан кўпроғи ва ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 9 проценти қурилиш индустрияси ҳиссасига тўғри келади.

Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

(ТАСС).

## ИРРИГАЦИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ДЕҲЛИ. Бултур Ҳиндистонда 2,8 миллион гектардан ошиқ қурғоқчил ерлар қўшимча суғорилди, бу йили яна шунча ерни суғориш мўлжалланмоқда, дейилади қишлоқ хўжалиги ва ирригация министрлигининг бу ерда эълон қилинган хабарида.

Ҳиндистонда тез-тез қурғоқчилик бўлиб туради. Шунинг учун ҳам суғориш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтириш, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Карийб ярим миллиард киши қишлоқ жойларда яшайдиган мамлакатнинг қайдаладиган ерларни кенгайтириш борасидаги имкониятлари чекланган. Ҳукумат аввало деҳқончиликни интенсивлаш, жумладан, ирригация тармоқларини кенгайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳажмини кўпайтириш йўлларини изламоқда. Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда суғориладиган ерлар жами майдони 52,2 миллион гектарга боради. Ерлар катта-катта ирригация объектлари — каналлар, сув омборларидан фойдаланиш йўли билан, шунингдек артезиан қудуқлари, оддий қудуқлар каби кичик объектлар орқали суғорилмоқда.

Ҳиндистонда мустақиллик йилларида 500 та катта ва ўрта ирригация объектлари ишга туширилди.

## НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

МАНИЛА. Филиппинда Америка базаларига қарши норозилик ҳаракати кучайиб бормоқда. Бу ҳаракатда ёшлар жуда актив қатнашмоқдалар. Миллий ёшлар ташкилотлари иттифоқи конгрессининг делегатлари Америка базаларининг тугатилишини талаб қилдилар. Филиппинлик ўн миллион ёшларнинг вакиллари бу базалар мамлакатнинг бехатарлиги ва суверенитети учун хавф туғдираётганлигини айтдилар. Ёшлар Америка базаларининг территорияларидан миллий экономикани юксалтириш манфаатлари йўлида саноат қурилиши эҳтиёжлари учун фойдаланишни талаб қилмоқдалар. Америка базалари юз минг гектар майдонни эгаллаб ётибди.

(ТАСС).



СУРАТДА: Манила бозорларида мана шундай тошбақалар ҳам сотилади.
И. Вайнштейн фотоси. ТАСС фотохроникаси.

## ЖИНОЯТ КЎПАЙМОҚДА

БОНН. Ишсизликнинг авж олганлиги турмуш шароитларининг мушкуллашганлиги ГФРда жиноятнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Гессен ўлкасида шу йилнинг биринчи ярмидагина 150 минг, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 мингдан кўп жиноят содир бўлган. Гессен ички ишлар министри шу маълумотларни эълон қилди. У жиноятларнинг қарийб 70 проценти 18 ёшдан тортиб 25 ёшгача бўлган шахслар томонидан қилинган, деб таъкидлади.

(ТАСС).

## АПАРТЕИД РЕЖИМИНИНГ МАДАДКОРЛАРИ

ЖОРЖТАУН. Англиянинг электрон ускуналарини Жанубий Африка Республикасининг полиция кучлари ва армиясига сотишга қарши норозилик намойиши Бриджтаунда бўлиб ўтди. Жанубий Африкани озод қилиш учун курашувчи Барбадос комитети уюштириб ўтганидек, Англиядаги компаниялар Жанубий Африка Республикасининг репрессия ўтказувчи кучларини замонавий ускуналар билан таъминлаб, ваҳшиёна апартеид режимни қўллаб-қувватламоқдалар.

## МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ БЕРИШЯПТИ

БОНН. ГФРнинг Претория ирқчи режими экономикасига сарфлаган капитал маблағлари 12 миллиард маркага етай деб қолди. Ўтган йилнинг бир ўзидагина Ғарбий Германиянинг Жанубий Африка Республикасига етказиб берган 3,8 миллиард маркали моллари давлат гарантиялари билан таъминланди. Ана шу маълумотлар бу ерда «Апартеидга қарши немислар ҳаракати» ташкилоти томонидан эълон қилинди.

Ташкилотларда ГФР банклари Жанубий Африка ирқчиларига молиявий ёрдамни доим кўпайтираётганлиги ва таъкидлаб ўтилади. Жанубий Африка Республикасининг давлат концернлари 1977 йилнинг июль ойидан шу йилнинг июль ойига қадар енгил шартлар билан 500 миллион марка қарз олганлар.

(ТАСС).


Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент ок шоми

7 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

## ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«Зангори олов» турмушда ниҳоятда қўл келади, аммо унга эҳтиётлик билан қараш керак. Газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш, ўт тушиши ва бошқа бахтсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.



## «ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

**газ баллон қурилмаларидан фойдаланаётган граждапларга уни ишлатаётганда ниҳоятда эҳтиёт бўлишни, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишни эслатиб ўтади.**

Газ баллон қурилмаларидан фойдаланаётганда баллонларни иссиқ берадиган манбалардан (гулхан, қуёш нури, печка, электр иситкич асбоблари) узоқроқда тутиш лозим. Акс ҳолда иссиқ таъсирида қисилган газнинг ҳажми кенгайиб газ баллони ёрилиб кетиши мумкин.

«Балтика» босим созловчиси қўйилган газ баллонларидан фойдаланишда айниқса эҳтиёт бўлиш керак. Баллон кутилмаган зарба ва иссиқ таъсиридан ҳоли бўлган жойга ўрнатилиши лозим.

Газ баллонининг «Балтика» босим созловчисига тўғри уланган бўлишига эътибор бериш керак. Созловчи механизм баллонга мустаҳкам ўрнатилиши, газ сизиб чиқадиган жой бўлмаслиги лозим.

Ёқилган газ горелкаларини қаровсиз қолдириш, сизиб чиқаётган газни гугурт чақиб текшириб кўриш (бунинг учун совун эмульсиясидан фойдаланиш керак), газни ишлатишга махсус тайёргарликдан ўтмаган болаларга ва кишиларни қўйиш, баллонларни жамоат транспортида ташиш, уни иситиш, ташқи предметларни босим созловчиси ва клапан ўртасига қўйиш


**ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ**

**Газ ҳиди чиққанда дарҳол:**

газ кранларини, баллон вентили ёки босим созловчиси байроқчасини бекитинг.

Хонани шамоллатинг. Ўт ёқманг. Электр чироғи ва асбобларини ёқманг ва ўчирманг. Телефон орқали 04 ёки 53-73-46, 53-75-46, 53-56-19 номерларидан авария хизматини чақиринг.

ЁДДА ТУТИНГ! Ҳаво билан аралашган газ портлаши, ёки ёниб кетиши мумкин. Газ ва газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этинг.



«ТашГАЗ» БИРЛАШМАСИ.

---

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ЗАВОДИ ҚОШИДА
**ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**
196-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**йигит ва қизларни қуйидаги касблар бўйича**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**ярим ўтказгич асбобларини йиғувчи** (қизлар), **токарь-универсал** (йигит-қизлар), **фрезерчи** (йигитлар), **слесарь-асбобсоз** (йигитлар).

**Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.**

ЎҚИШ МУДДАТИ: **8-синфни битирганлар учун 1—2 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил.**

8-синфни битирганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар оширилган стипендия билан таъминланади.

**Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.**

**Билим юртини аъло баҳода битирганлар ўқишни давом эттириш учун Москва, Ленинград, Тошкент институтларига ва техникумларига кириш учун йўлланма оладилар.**

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

**Билим юртига кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, гурар жойидан справка, 2 дона 4х4 см ва 2 дона 3х4 см. фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй (2, 25, 60-автобуслар; 1, 10, 11, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 18, 22, 25-трамвайларнинг «Дизельная» бекати).

---

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IX да **Анна Каренина** (билетлар сотилган), 8/IX да **Бир антли балетлар кечаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Ленин комсомоли номли марказий маданият ва истироҳат боғининг «Яшил театр»ида) — 7/IX да **Уйланиш,** 9/IX да **Аяжонларим.**

## ЦИРК

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Ҳайвонот дунёси — дўстлар дунёси» аттракциони** (ўргатувчи РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Тихонов).

## КИНО

**7 СЕНТЯБРДА**

**ҚИШКИ БИНОДА**

«Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Санъат саройи.**

«ГАЛАТИ АЁЛ»— **Санъат саройи** (катта зал), **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, Восток, Москва.**

«СЕВИШГАНЛАР ҲАҚИДА ҚИССА»— **Санъат саройи** (кичик зал).

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА»— **Қозоғистон, Дружба.**

«ЎЗАНДАГИ НОТИНЧЛИК» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ТИНЧ ОКЕАН ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Нукус.**

«ПАРВОЗДАГИ ТУРНА» — **Лисунов номли, Ҳамза номли.**

«УЙЛАНИШ» — **Навоий номли, Кўнча.**

**ЁЗГИ БИНОДА**

«ГАЛАТИ АЁЛ»— **Фестиваль.**

«УЙЛАНИШ» — **Хива.**

---

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

## «Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН**



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



**БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

**МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.**



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



---

**ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА**
**9—10 СЕНТЯБРДА**

**Ленин комсомолининг 60 йиллигига ҳамда Гаванада ўтказилган XI Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига бағишланган**

## XXI АНЪАНАВИЙ ШАҲАР

**«ДЎСТЛИК» КАРНАВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ**

**КАРНАВАЛ ПРОГРАММАСИДА:**

«КОМСОМОЛ—МЕНИНГ ЁШЛИГИМ!» ДЕГАН ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ.

Ҳамза номидаги Ленин орденли, Ўзбек Давлат академик драма театри, Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри, Ўзбекистон Давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат циркининг етакчи артистларининг чиқиши. Энг яхши шаҳар бадиий ҳаваскорларининг концерти, кўчиб юрувчи ҳайвонот боғи аския, масҳарабозлик, қизиқчиликлар. Алдар Кўса, Хўжа Насриддин карнавал меҳмони. Бал-маскарад, энг яхши карнавал кийимлари, рақслар, куй ва қўшиқлар учун карнавал мукофоти.

Анъанавий —миллий руҳда безатилган ярмаркалар карнавал меҳмонлари учун очиқ.

Ярмаркаларда кийим-кечаклар, газламалар, пойафзаллар, парфюмерия, галантерея, қандолат маҳсулотлари, мевалар, сабзавотлар тўкин-сочиндир.

**Пойтахт умумий овқатланиш ва Бош савдо бошқармаси карнавал қатнашчилари учун тўйимли, мазали овқатлар, ранг-баранг сувенирлар тайёрлаб қўйган.**

«ДЎСТЛИК» КАРНАВАЛИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

---

## БИЛАСИЗМИ?



Гилам, гилам поёндоз ва шолчалар тайёрлайдиган фабрикалар, уларнинг таги мустаҳкам бўлсин деб маҳсус модда билан пардозлайдилар. Агар сиз ана шу буюмларни уй шароитида тозаласангиз ёки ювсангиз, пардозловчи қатлам ювилиб кетади ва уларнинг мустаҳкамлигига путур етади.

ШУНИНГ УЧУН ГИЛАМЛАРНИ ХИМИЯВИЙ ТОЗАЛАШ УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФАБРИКАГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

Бу ерда буюмлар тозаланганидан кейин қайтадан пардозланади. Фақат шундагина, гилам ва гилам буюмлар ва шолчалар узоқ вақт чидайдиган бўлади.

**Тозалашга чекланмаган узунликдаги, лекин эни 4 метрдан ошмайдиган буюмлар қабул қилинади.**

**ДИҚҚАТ! Гиламларни химиявий тозалаш фабрикаси қошида реставрация бўлими ишлайди. Бу ерда мутахассислар гилам буюмларнинг шикастланган жойларини тиклашади.**

Аҳолига қулай бўлиши учун гилам буюмлари қабул қиладиган мавжуд одатдаги пунктлардан ташқари 10 та ихтисослаштирилган пункт ташкил этилди.

Справка олиш учун телефонлар: 53-48-33; 53-20-54; 44-19-28; 44-19-29.

**ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.**

---

**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети**

1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1978—79 ўқув йилига**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ. **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2 йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил), **аёллар чарм сумкаларини тикувчи** (1 йил).

**Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.**

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

**Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.**

**Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади**

**Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.**

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

---

**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи қошидаги**

155-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:**

**Узоқ манзилларга юрувчи пассажир вагонлари учун проводниклар. Ёши 17 яримга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.**

**Етоқхона билан таъминланмайдилар. Ўқиш муддати — 1 йил.**

**Қуйидаги ихтисослик бўйича 10 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисми бўйича слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, совутиш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар. Ўқиш муддати— 3 йил.**

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини билан таъминланадилар.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

**Ўқиш даври узлуксиз иш стажига ҳисобланади.**

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни иттифоқимизнинг барча пунктларига текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

**Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб юборилади:** туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, справкалар, медицина, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, 8 та фотосурат (3х4 см).

**Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

---

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**7 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

17.00 «Советлар ва ҳаёт». 17.30 «Шеърларни ўқиб». 18.00 «БАМда спорт». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Корея халқ демократик республикаси эълон қилинганлигининг 30 йиллигига. «Бугунги Корея». 19.15 Халқ оҳанглари. 19.30 «В. И. Ленин Л. Н. Толстой ҳақида». Езувчи туғилган кунининг 150 йиллигига. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Қизил скрипка». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Алкоголизм». Врач суҳбати. 22.30 «Музикальная жизнь» телевизион журнали. 23.35 Волейбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Йигитча». Телевизион фильм-концерт. 18.30 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 19.00 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Рақслар гулдастаси». Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номли Маданият уйи рақс ансамбли ижро этади. 20.00 Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Сузиш. Армия спорт клуби бассейнидан репортаж (6 сентябрда ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўринбой Нуралиев концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган). Кўрсатув тугагач — А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театри — ёзувчи юбилейига. Р. Щедриннинг «Анна Каренина» балети ҳақида.

**8 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.40 «Қизил скрипка». Бадиий фильм. 15.10 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Шахмат мактаби». «Таништинг— шахматлар». 1-кўрсатув. 16.30 «Москва ва москваликлар». 17.00 Шимолий Осетия АССР Давлат «Алан» халқ рақс ансамблининг концерти. 17.35 «Ўзимизнинг ўлка». Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида кинопрограмма. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Мультфильмлар программаси: «Парвона кўли ҳақида афсона», «Шаҳзода ва уч табиб ҳақида эртак». 19.05 «Меҳнат Қизил Байроқ орденининг 50 йиллиги». 19.20 П. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. РСФСР халқ артисти В. Климов ва Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри ижро этади. 19.55 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Вақт» информацион программаси. 24.00 Янгиликлар.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биология нимани ўрганади». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Капитан». Болалар учун телефильм. 12.30 «Биология нимани ўрганади». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.05 Корея Халқ Демократик республикасининг 30 йиллигига. 18.20 ВЛКСМ 60 йиллигига «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.50 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.05 Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Қиличбозлик. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (7 сентябрда ёзиб олинган). 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. ССР Иттифоқи Давлат академик Вольшой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Вақт» информацион программаси. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Нью-Йоркдан Ясная Полянага» Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Тошкент» телепрограммаси. «Шаҳар —қишлоққа» 20.10 Совет қўшиқларидан концерт. 20.40 Тошкент янгиликлари.

---

«Тошкент оқшоми» газета редакцияси коллективи редакциянинг бўлим мудири А. Эгамназаровга отаси

**Имомназар ЭГАМНАЗАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг коллективи катта илмий ходим С. Зокировга онаси

**Раҳбар СОДИҚОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
7 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар кўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42 38-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.
Р — 13163
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1402.